



КУЗГИ БУҒДОЙ НАВЛАРИНИНГ ЎСИШИ ВА ПОЯ БАЛАНДЛИГИГА УРУҒЛАРНИ ЭКИШ МУДДАТЛАРИ ВА МЕЪЁРЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

Адашев Илхомжон Қобулович

Дон ва дуккакли экинлар илмий тадқиқот институти таянч докторанти

Анотация: *Кузги буғдойнинг ўсиши ва ривожланиши, поя баландлиги да уруғларни мақбул экиш муддатлари, экиш меъёрларини тўғри белгилаш жуда муҳим ахамиятга эга.*

Анотация: *Большое значение имеют рост и развитие озимой пшеницы, оптимальный срок посева семян по высоте стебля, правильное определение норм посева.*

Annotation: *The growth and development of winter wheat, the optimal time for sowing seeds according to the height of the stem, and the correct determination of sowing rates have great importance.*

Бошоқли дон экинларидан юқори ва сифатли ҳосил олишнинг асосий яна бир гарови бу экишга ерни сифатли тайёрлаш, минтақанинг тупроқ-иқлим шароитларини инобатга олиб нав танлаш, сифатли уруғлик, экиш муддати ва меъёрлари, ғалла ниҳолларини тўлиқ ундириб олиш ҳамда ўз муддатида парваришлашни амалга оширишдан иборат.

Кузги бошоқли дон экинларини экиш меъёрини аниқлашда тупроқ-иқлим шароити, нав хусусияти, уруғлик сифати, экиш усули, экишга тайёрланган ер майдонининг сифати, бегона ўтлар билан ифлосланганлиги, ўтмишдош экин тури ва экиш муддати ҳисобга олинади.

Дон экинлари қўнғирбошлар (Роасеае) оиласига мансуб булиб ер шарида кўп тарқалган ботаник тур ҳисобланади. Ер шарида бу ўсимликлар турли хил катталиқда учрайди, бўйининг баландлиги 2 см дан бир неча ўн метргача бориб, кўпчилик турларда ер устки қисми ўтсимон, айримларида бута ва дарахтсимон ҳолда учрайди

2015-2017 йиллар давомида олиб борилган тадқиқотларимизда кузги буғдой навлари бўйининг ўсиши ва поя баландлигига уруғларни экиш муддатлари ва меъёрларининг таъсири вариантлар ва қайтариқлар кесимида ўрганиб борилди.

Олинган натижаларнинг кўрсатишича, кузги буғдойнинг "Давр" нави уруғлари 15-сентябр муддатида гектарига 4,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 1-вариантда парвариш қилинган кузги буғдойнинг бўйи ривожланиш фазалари кесимида ўрганилганида, найчалаш фазасида 37,2 см, бошоқлаш фазасида 80,4 см, гуллаш фазасида 84,2 см ва пишиш фазасида 85,6 см ни ташкил этганлиги аниқланган бўлса, уруғлар ушбу муддатда гектарига 5,0-6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 2-3 вариантларда кузги буғдойнинг бўйи ўлчаб борилганида мос равишда найчалаш фазасида 42,4-45,1 см, бошоқлаш фазасида 87,2-89,7 см, гуллаш фазасида 92,0-94,1 см,



пишиш фазасида 93,8-95,8 см га тенг бўлиб, гектарига 4,0 млн дона унувчан уруғ экилган 1-вариантга нисбатан кузги буғдойнинг бўйи найчалаш фазасида 5,2-7,9 см га, бошоқлаш фазасида 6,8-9,3 см га, гуллаш фазасида 7,8-9,9 см га, пишиш фазасида 8,2-10,2 см га юқори бўлганлиги кузатилди.

Ушбу нав уруғлари 1-15 октябр муддатларида гектарига 4,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 4-7 вариантлар таҳлил қилинганида, 15-сентябр муддатида гектарига 4,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 1-вариантга нисбатан найчалаш фазасида 6,5-8,2 см, бошоқлаш фазасида 7,4-9,0 см, гуллаш фазасида 8,2-9,8 см ва пишиш фазасида 8,5-10,1 см га паст бўлганлиги кузатилган бўлса, уруғлар ушбу муддатларда гектарига 5,0-6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 5-6 ва 8-9 вариантларда парваришланаётган кузги буғдойнинг бўйи ўрганилганида, 15-сентябр муддатида гектарига 5,0-6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 2-3 вариантларга нисбатан найчалаш фазасида 8,2-9,2 ва 11,8-12,9 см га, бошоқлаш фазасида 9,4-9,1 ва 12,8-13,7 см га, гуллаш фазасида 9,4-9,9 ва 12,4-12,9 см га, пишиш фазасида эса 9,7-10,2 ва 12,6-13,3 см га паст натижа кўрсатганлиги қайд этилди.

Кузги буғдойнинг "Звезда" нави уруғлари экилган вариантларда кузги буғдойнинг бўйи фазалари кесимида таҳлил қилинганида, уруғлар 15-сентябр муддатида гектарига 4,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 10-вариантда найчалаш фазасида 32,8 см, бошоқлаш фазасида 76,6 см, гуллаш фазасида 79,8 см ва пишиш фазасида 82,2 см ни ташкил этган бўлса, уруғлар ушбу муддатда гектарига 5,0-6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 11-12 вариантларда кузги буғдойнинг бўйи найчалаш фазасида 37,3-38,4 см, бошоқлаш фазасида 82,1-84,6 см, гуллаш фазасида 86,5-88,7 см, пишиш фазасида 89,4-91,4 см га тенг бўлиб, гектарига 4,0 млн дона унувчан уруғ экилган 10-вариантга нисбатан кузги буғдойнинг бўйи найчалаш фазасида 4,5-5,6 см га, бошоқлаш фазасида 5,5-8,0 см га, гуллаш фазасида 6,7-8,9 см га, пишиш фазасида 7,2-9,2 см га юқори бўлганлиги аниқланди.

Ушбу нав уруғлари 1-15 октябр муддатларида гектарига 4,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 13-16 вариантларда ўсимликнинг бўйи ҳисобга олинганида, 15-сентябр муддатида гектарига 4,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 10-вариантга нисбатан найчалаш фазасида 5,3-7,2 см, бошоқлаш фазасида 6,1-7,7 см, гуллаш фазасида 7,4-8,5 см ва пишиш фазасида 7,8-9,1 см га паст бўлганлиги қайд этилган бўлса, уруғлар ушбу муддатда гектарига 5,0-6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 14-15 ва 17-18 вариантларда кузги буғдойнинг бўйи ўрганилганида, 15-сентябр муддатида гектарига 5,0-6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 11-12 вариантларга нисбатан ўсимликнинг бўйи найчалаш фазасида ўртача 6,9 ва 9,9-10,0 см га, бошоқлаш фазасида 7,6-7,7 ва 10,8-11,9 см га, гуллаш фазасида 8,6-9,0 ва 10,8-11,6 см га, пишиш фазасида 9,1-9,2 ва 11,3-11,9 см га паст бўлганлиги маълум бўлди.

Кузги буғдойнинг "Первица" нави етиштирилаётган вариантларда бўйини ўлчаш ишлари олиб борилганида, уруғлар 15-сентябр муддатида гектарига 4,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 19-вариантда ўсимлик бўйи найчалаш фазасида 33,4 см,



бошоқлаш фазасида 78,0 см, гуллаш фазасида 81,4 см ва пишиш фазасида 83,4 см ни ташкил этган бўлса, уруғлар ушбу муддатда гектарига 5,0-6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 20-21 вариантларда кузги буғдойнинг бўйи аниқланганида, найчалош фазасида 38,3-40,2 см, бошоқлаш фазасида 83,9-86,5 см, гуллаш фазасида 88,7-90,8 см, пишиш фазасида 91,1-93,1 см га тенг бўлиб, гектарига 4,0 млн дона унувчан уруғ экилган 19-вариантга нисбатан кузги буғдойнинг бўйи найчалош фазасида 4,9-6,8 см га, бошоқлаш фазасида 5,9-8,5 см га, гуллаш фазасида 7,3-9,4 см га, пишиш фазасида 7,7-9,7 см га юқори бўлганлиги кузатилди.

Ушбу нав уруғлари 1-15 октябр муддатида гектарига 4,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 22-25 вариантда ўсимликнинг бўйи ўрганилганида, 15-сентябр муддатида гектарига 4,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 19-вариантга нисбатан найчалош фазасида 5,9-7,9 см, бошоқлаш фазасида 6,9-8,2 см, гуллаш фазасида 7,8-9,1 см ва пишиш фазасида 8,1-9,6 см га паст бўлганлиги қайд этилган бўлса, уруғлар ушбу муддатда гектарига 5,0-6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 23-24 ва 26-27 вариантларда кузги буғдойнинг бўйи 15-сентябр муддатида гектарига 5,0-6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 20-21 вариантларга нисбатан найчалош фазасида 7,6-8,1 ва 10,9-11,5 см га, бошоқлаш фазасида 8,6-8,3 ва 11,3-12,7 см га, гуллаш фазасида 9,0-9,4 ва 11,6-12,2 см га, пишиш фазасида 9,4-9,7 ва 11,9-12,6 см га ўсимликнинг бўйи паст бўлганлиги аниқланди.

Тажрибада кузги буғдойнинг "Зимница" нави уруғлари экилган вариантларда бўйини ўлчаш бўйича фенологик кузатувлар олиб борилганида, уруғлар 15-сентябр муддатида гектарига 4,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 28-вариантда кузги буғдойнинг бўйи найчалош фазасида 37,8 см,

бошоқлаш фазасида 82,0 см, гуллаш фазасида 85,4 см ва пишиш фазасида 86,6 см ни ташкил этган бўлса, уруғлар ушбу муддатда гектарига 5,0-6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 29-30 вариантларда кузги буғдойнинг бўйи найчалош фазасида 43,5-45,8 см, бошоқлаш фазасида 89,2-91,4 см, гуллаш фазасида 93,8-95,9 см, пишиш фазасида 95,5-97,4 см ни кўрсатиб, гектарига 4,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 28-вариантга нисбатан кузги буғдойнинг бўйи найчалош фазасида 5,7-8,0 см га, бошоқлаш

фазасида 7,2-9,4 см га, гуллаш фазасида 8,4-10,5 см га, пишиш фазасида 8,9-10,8 см га юқори бўлганлиги аниқланди.

Уруғлар 1-15 октябр муддатларида гектарига 4,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 31-34 вариантларда кузги буғдойнинг бўйи аниқланганида, 15-сентябр муддатида гектарига 4,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 28-вариантга нисбатан найчалош фазасида 6,1-8,3 см, бошоқлаш фазасида 7,5-9,5 см, гуллаш фазасида 8,7-10,2 см ва пишиш фазасида 9,0-10,6 см га паст бўлганлиги қайд этилган бўлса, уруғлар ушбу муддатда гектарига 5,0-6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 32-33 ва 35-36 вариантларда кузги буғдойнинг бўйи 15-сентябр муддатида гектарига 5,0-6,0 млн дона унувчан уруғ ҳисобида экилган 29-30 вариантларга



нисбатан ўсимлик бўйи найчалаш фазасида 8,5-9,3 ва 12,3-13,0 см га, бошоқлаш фазасида 13,1-13,7 см га, гуллаш фазасида 9,6-10,2 ва 13,1-13,7 см га, пишиш фазасида 10,0-10,3 ва 13,6-13,8 см га паст натижа кўрсатганлиги маълум бўлди.

1-жадвал

Кузги буғдой навлари поясининг баландлигига уруғларни экиш муддатлари ва меъёрларининг таъсири, 2015-2017 йил

№	Кузги буғдой навлари	Уруғ экиш муддатлари	Уруғ экиш меъёри, млн дона/га	Найчалаш	Бошоқлаш	Гуллаш	Пишиш
1	Давр	15-сентябр	4,0	37,2	80,4	84,2	85,6
2			5,0	42,4	87,2	92,0	93,8
3			6,0	45,1	89,7	94,1	95,8
4		1-октябр	4,0	30,7	73,0	76,0	77,1
5			5,0	34,2	77,8	82,6	84,1
6			6,0	35,9	80,6	84,2	85,6
7		15-октябр	4,0	29,0	71,4	74,4	75,5
8			5,0	30,6	74,4	79,6	81,2
9			6,0	32,2	76,0	81,2	82,5
10	Звезда	15-сентябр	4,0	32,8	76,6	79,8	82,2
11			5,0	37,3	82,1	86,5	89,4
12			6,0	38,4	84,6	88,7	91,4
13		1-октябр	4,0	27,5	70,5	72,4	74,4
14			5,0	30,4	74,5	77,9	80,3
15			6,0	31,5	76,9	79,7	82,2
16		15-октябр	4,0	25,6	68,9	71,3	73,1
17			5,0	27,4	71,3	75,7	78,1
18			6,0	28,4	72,7	77,1	79,5
19	Первица	15-сентябр	4,0	33,4	78,0	81,4	83,4
20			5,0	38,3	83,9	88,7	91,1
21			6,0	40,2	86,5	90,8	93,1
22		1-октябр	4,0	27,5	71,1	73,6	75,3
23			5,0	30,7	75,3	79,7	81,7
24			6,0	32,1	78,2	81,4	83,4
25		15-октябр	4,0	25,5	69,8	72,3	73,8
26			5,0	27,4	72,6	77,1	79,2
27			6,0	28,7	73,8	78,6	80,5
28	Зимница	15-сентябр	4,0	37,8	82,0	85,4	86,6
29			5,0	43,5	89,2	93,8	95,5
30			6,0	45,8	91,4	95,9	97,4
31		1-октябр	4,0	31,7	74,5	76,7	77,6
32			5,0	35,0	79,8	84,2	85,5
33			6,0	36,5	82,5	85,7	87,1
34		15-октябр	4,0	29,5	72,5	75,2	76,0
35			5,0	31,2	76,1	80,7	81,9
36			6,0	32,8	77,7	82,2	83,6



Олинган натижалардан кўриниб турибдики, кузги буғдой уруғларини 15-сентябр муддатида экилиши барча навларда ўзининг ижобий натижасини кўрсатиб, 1-октябр ҳамда 15-октябр муддатларида экилганга нисбатан кузги буғдойнинг бўйи 7,2 см дан 13,6 см гача баланд бўлиб, бўйининг баландлиги бўйича устунликка эга бўлди.

2015-2017 йилларда олиб борган тадқиқотларимизда ҳам юқоридаги қонуниятлар такрорланганлиги кузатилди.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати:

1. Узақов Ф., Рахимов М. “Кузги бошоқли дон экинларини етиштиришда ресурстежамкор агротехнологияларини ишлаб чиқиш” Агроилм журнали 3(47), 2017 й. Б.20.

2. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тизимидаги илмий ва олий таълим муассасалари магистрлари, аспирантлари, тадқиқотчилари ва докторантларининг илмий – амалий конференцияси илмий мақолалар тўплами,

Методика полевых и вегетационных опытов с хлопчатников в условиях орошения. Изд. Узбекистон, Ташкент, 1981. С. 155–224.

3. Методы агрохимических, агрофизических и микробиологических исследований в поливных хлопковых районах. Ташкент, СоюзНИХИ, 1963. С. 265–341.